Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 19-may. Shanba • 62 (31.494) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Парламент назорати

## ҚОНУН ИЖРОСИГА ҲУРМАТ

### жамият ва фуқаролар олдида масъулликни билдиради

**Давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштириш — кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича муҳим ғоя ва қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Бу — бежиз эмас, албатта. Мазкур ислоҳотлар замирида «мансабдор шахслар фуқаролар ва жамият олдида масъулдир», деган Конституциявий тамойил мужассам.**



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Қонун устуворлигига эришиш ҳар бир соҳа ривож топишида асосий мезон ҳисобланади. Чунки қонун муайян шахсларнинг эмас, балки жамият манфаатини ифода этади. Шу боис давлат ва жамият бошқаруви демократлашувида қонун ижросига масъулият билан қарашнинг аҳамияти катта.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қонунлар ижросини таҳлилий ўрганиш, шу тариқа миллий қонунчиликни такомиллаштириш, бунинг учун амалий таклифлар тайёрлаш, қонунлар ижросида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаётий тавсиялар ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратаётир.

(Давоми 2-бетда)

Бошланғич ташкилот — асосий таянч



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

## ҚУЙИ БЎҒИН ЕТАКЧИСИ

### *сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдон, ташкилотчи бўлса, партиянинг жойлардаги таъсир кучи мустаҳкамланади*

**Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш уларнинг мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини оширади, ҳамкорлик позициясини мустаҳкамлайди. Бунинг учун бошланғич партия ташкилоти фаол ишлаши лозим.**

«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ Тошкент йўловчи ташишни ташкил қилиш филиали қошида тузилган БПТ бунга жиддий эътибор бермоқда. Бошланғич ташкилотга эллик нафарга яқин аъзо бирлашган, — дейди **«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ Тошкент йўловчи ташишни ташкил қилиш филиали бош ҳисобчиси, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Мавлуда Ҳасанова.** — Корхонамизда БПТ учун алоҳида хона ажратилган. Бу ерда ҳафтанинг душанба кунлари турли сиёсий-ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ўтказилади. Партиядошларимиз билан ҳафта давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва дунёда бўлаётган муҳим воқеа-ҳодисалар хусусида фикр алмашамиз. Бошланғич ташкилот ишини янада жонлантириш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш учун яна нима қилишимиз кераклиги тўғрисида баҳслашамиз. Ҳаётий тажриба кўрсатдики, БПТ фаолияти таъсирчанлиги ҳар бир аъзонинг фаоллигига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

## ДЕПУТАТ ФАОЛ БЎЛСА

### ҳудудлар ривожига қаратилган ташаббуслар кўпаяди

→ 2

Партиялараро баҳс

## «Адолат» СДП ижтимоий адолат тамойилига қаршими?

→ 2

Спорт

## ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

*Кеча пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари, ҳамда «Happy Caravan — 2012» анъанавий халқаро турнири бошланди.*



Суратда: Зулфия Юлдашева (Ўзбекистон).

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

**Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтаётган мазкур нуфузли мусобақаларда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган нафосат маликалари иштирок этяпти.**

**Ўзбекистон Гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Л.Каримова-Тиллаева мусобақани очиқ, деб эълон қилар экан, барча иштирокчиларга омад тилади.**

Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турини ривожлантириш, гимнастикачиларнинг спорт маҳоратини юксалтириш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида бадиий гимнастика мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда тажрибали ва юқори малакали мураббийлар меҳнат қилаётир. Мамлакатимизда ўтказилаётган ҳудудий ва республика мусобақалари ёш спортчилар маҳоратини оширмоқда, иқтидорларни кашф этмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

Муносабат

## АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАМИЗ

**Иккинчи жаҳон уруши азоб-уқубатлари ва кулфатлари юртимиздаги хонадонларнинг бирontaсини ҳам четлаб ўтмаганини, унда бир ярим миллион ватандошимиз қатнашиб, беш юз минг нафари жанг майдонларида ҳалок бўлганини тарих китобларида ўқиганман. Бу ҳақда ўқитувчиларимиз ҳам айтиб беришган.**

Ўйлаб қарасам, ҳозирда ёшлари 80-90 атрофидаги боболаримизнинг навқирон дамлари уруш уқубатларида ўтган экан. Улар қўллларига қурол олиб, ота-оналари, қариндош-уруғларидан йироқда фашизм балосига қарши курашишган. Шунинг учун бўлса керак, уруш қийинчиликларини кўрган, шу кунларга эсон-омон етиб келган фахрийлар «Бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етинглар, мусаффо осмонимизни, она-юртимизни асраб-авайланглар», дея кўп айтишади.

Бугун, бизлар улардан фарқли ўлароқ, тинч-хотиржам яшаяпмиз, замонавий мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олаяпмиз. Ота-оналаримиз, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаяпти.

Президентимиз пойтахтимиздаги Хотира майдонида истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганишимиз, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб, эртанги кун ёшлар қўлида, дея яна бир бор бизга ишонч билдирди. Бу эса бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди.

Ўйлашимча, киммиз, кимларнинг авлодимиз, деган саволни ўзимизга бериб, энг аввало, яхши ўқишимиз, ота-онамиз ва ёши катта кишиларни ҳурмат қилишимиз биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни қадрига етишимиз керак. Шунда биз ота-боболаримизга муносиб авлод бўлиб вояга етамиз.

**Моҳинур ЎКТАМЖОНОВА,**
**Тошкент юридик коллежи талабаси.**

## ОДАМ САВДОСИ:

## УНИНГ ҚУРБОНИГА, ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ

*Юзлари қуёшдан қорайиб, қўллари ёрилган йигит саволларимга жавоб берар экан, ҳар замонда оғир тин олади, гўё бўлиб ўтган воқеаларни ёдига туширмоқчи бўлади. Аслида бу воқеалар бўлиб ўтганмиди? Ҳаммаси тушга ўхшайди — шу кунларда бу ҳодисалар рўй беришига ишонмайсан. Лекин буларнинг ҳаммаси бор гап, бунга мана шу суҳбатдошим Мурод гувоҳ, аниқроғи, у одам савдоси жабрини тортганлардан бири.*

⇨ 3

Эътироф

**— Тенгдошларим ижро этаётган ранг-баранг композициялар менда унутилмас таассурот қолдиряпти. Айниқса, ўзбек гимнастикачиларининг ижроси мукаммаллиги ва бетакрорлиги билан барчани бирдек мафтун этмоқда.**

**Мусобақа иштирокчилари учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан мамнунмиз. Умид қиламанки, ижро этган рақсларим томошабинлар ва ҳайъат аъзоларига манзур бўлади.**

**Йон Жан СОН, гимнастикачи *(Жанубий Корея).***

**— Ўзбекистонда спорт соҳасига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буни замонавий жиҳозлар билан таъминланган спорт иншоотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай эътибор натижасида халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этаётган ўзбекистонлик ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. Улар томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи ҳам муттасил ортаётгани ҳавас уйғотади.**

**Дальто Дриалли НЕВЕС, гимнастикачи (Бразилия).**

**— Мен мусобақада тўп ва ҳалқа ёрдамида рақс ижро этдим. Ўзбекистонлик гимнастикачиларнинг ҳалқа ва тўпда ижро этган рақслари ўзининг мураккаб ҳаракатларга бойлиги ва аниқлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Уларнинг нафақат ижро санъати, соч турмаклари ва либосларига ҳам чин дилдан ҳавасим келди.**

**Тереза ВАГНЕРОВА, гимнастикачи (Чехия).**

Парламент назорати

# ҚОНУН ИЖРОСИГА ҲУРМАТ

## жамият ва фуқаролар олдида масъулликни билдиради



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ўтган йили «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ижросини Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳамда «Ўзавтойўл» Давлат акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги корхоналар фаолияти мисолида ўрганган эди. Ютуқлар эътироф этилиб, қонун ижросидаги хато ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган, бу борада қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниб, мутасадди вазирлик ва ташкилотларга юборилган эди.

Яқинда қўмита «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ижросидаги камчиликлар бартараф этилиши нуқтаи назаридан мазкур қарор ижросини ўрганди. Унинг натижалари муҳокамасига бағишланган қўмита йиғилишида масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлари ҳозир бўлишди.

Йиғилишда мустақиллик йилларида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос келадиган йўллар, кўприклар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Президентимизнинг «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган махсус Дастур асосида Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш, инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияларни комплекс ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар аҳолига қулай шароит яратиш, фаровонликни оширишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Депутатлар республикамиздаги автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги соҳасидаги ишларга, хусусан, йўллар ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишда қонунийликни таъминлаш, бу жараёнда ошкораликни кучайтириш масаласига эътибор қаратишди. Қонун ижросида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва тавсия этилган тадбирларни амалда бажариш борасида мутасадди вазирлик ва идоралар тегишли чора-тадбирлар белгилаган, дастурлар қабул қилган ҳамда шу асосда муайян ишларни амалга оширган.

Аммо таҳлиллар шуни кўрсатдики, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари Республика йўл жамғармаси ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимида тўлиқ қўлланилмаяпти, молиявий ҳисоботларни юритиш ва тўлов интизоми масалаларида ҳамон қонунга зид ҳолатлар содир этилмоқда.

Жумладан, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан бухгалтерия ва молия ҳисоботи маълумотларини таҳлил қилиш, қурилиш ишларидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича Республика йўл жамғармаси ваколати доирасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган.

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси фаолиятида қурилиш-таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажармаслик (муддатида ва сифатли топширилмаган объектларнинг сони ўтган йилдагига нисбатан кўпайган), бажарилган ишларда қўшиб ёзиш, маблағларни мақсадсиз сарфлаш, солиқларни ўз вақтида тўламаслик каби салбий ҳолатлар оз эмаслиги маълум бўлди.

Депутатлар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини молиявий барқарорлаштиришда асосий омиллардан бири эканини, унинг ижросига бефарқ қараб бўлмаслигини таъкидлашди. Йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қўмита тегишли қарор қабул қилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

# ҚУЙИ БЎҒИН ЕТАКЧИСИ

## *сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимдон, ташкилотчи бўлса, партиянинг жойлардаги таъсир кучи мустаҳкамланади*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Яқинда Миробод туман кенгашининг пленумида БПТ ишини такомиллаштириш бўйича муҳим тавсиялар берилди, — дейди **инженер-технолог, ЎзХДП аъзоси Баҳодир Комилов.** — Фуқароларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу боис юқори партия ташкилотлари БПТларни зарур ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш керак, деб ўйлайман. Бу тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

— Куни кеча уруш ва меҳнат фахрийлари билан партиянинг фахрий аъзолари иштирокида давра суҳбати ўтказдик,— дейди **кадрлар бўлими бошлиғи, партия аъзоси Санобар Қамбарова.** —. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олим ва мутахассислар иштирок этди. Партия ғоялари тарғиботида нималарга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозимлиги ҳақида фикр алмашилди. Бу каби учрашувлар бошланғич ташкилотга аъзо бўлган ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, дунёқараши ортишида муҳим аҳамият касб этади.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Партияларaро баҳс

# «Адолат» СДП ижтимоий адолат тамойилига қаршими?

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида навбатдаги қадамлар қўйилди. Бу бевосита сиёсий партиялар масъулиятини ошириб, давлат ва жамият бошқарувида улар иштирокини кучайтиришга кенг йўл очди. Бугун ҳар бир сиёсий партия ғоявий жиҳатдан етук бўлиши, асосий дастурий ғоясидан оғишмай амалий ишлар билан олға интилиши керак. Ўз фаолиятини шу асосда ташкил этиб, давр талаби даражасида ишлаётган, электорати манфаатини дадил ҳимоя этаётган партия жамиятда обрў-эътибор қозонади, ўз мақсадига эришади.**

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир сиёсий партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини ошириш бўйича ўз позициясига эга. Хусусан, ЎзХДП мамлакат барқарор ривожланишида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш муҳим, деб ҳисоблайди. Бироқ айрим сиёсий партиялар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчасини нотўғри талқин қилишга уринмоқда.

**Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган. Бу жараёнда ЎзХДП бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш тарафдори бўлиб келмоқда. Чунки бозор муносабатларига ўтиш жараёнида жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. ЎзХДП бунда алоҳида қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб, оиласи фаровонлиги ошишига кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоя қилинишига эришиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Аҳолининг реал даромадлари ортишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, шу тариқа ҳар бир фуқаро юртимиз иқтисодий равнақига ҳисса қўшиши учун курашади. Бунда кам таъминланган, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган кишилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлашга эътибор қаратмоқда. Чунки ЎзХДП бу билан одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, имконияти чекланган кишиларни ўз қобилияти даражасида иш билан таъминлаб, жамиятда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши учун шароит яратиш зарур, деб билади.**

«Адолат» ҳам социал-демократиянинг асосий ғояларидан келиб чиқиб, ўз Сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори эканини кўп уқтиради. Хусусан, **партия ўқув юртлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш, уларнинг иш ҳақи, умуман, меҳнат шароитини яхшилаш, таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилишни ўз вазифаси сифатида белгилаган.**

Аммо «Адолат» нашри бозор иқтисодиёти шароитида ишсизлик бўлиши табиий, дея ижтимоий адолат, инсон манфаати ва ҳақ-ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига тўғри келмайдиган фикрни илгари сурмоқда. Ишсизлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига, одамлар кайфиятига салбий таъсир этишини ҳисобга олмаяпти. Иқтисодиётни изчил ривожлантириб бориш чора-тадбирларининг белгиланмагани, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганда ишсизлик ортади.

Бугун ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир.

2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида битирувчиларни иш билан таъминлаш маҳаллий ҳокимлик, мутасадди ташкилотлар зиммасидаги алоҳида масъулиятли вазифа экани таъкидланди. Аммо аҳоли фаровонлиги бош масаласи бўлган «Адолат» СДП етакчилари бунга юзаки қарамоқда. Ижтимоий ҳимоя бўйича кўпроқ ҳаётий таклифлар билан чиқиш ўрнига ЎзХДП томонидан ўз электорати манфаати йўлида амалга оширилаётган ишларга нохолис муносабат билдирмоқда.

**Партиямиз ўз электорати бандлигини таминлаш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказган иқтисодий форумларини, янги иш ўринлари яратишга қаратилган ташаббусларини нотўғри талқин қилмоқда. Гўёки ЎзХДП ўзининг ғоявий қарашларидан чекинаётган эмиш. Масалага шундай ёндашадиган бўлсак, табиий савол туғилади: Нима, «Адолат»**

### СДП ижтимоий адолат тамойилига қаршими?

Ваҳоланки, «Адолат» СДП Сайловолди дастурида иқтисодий ўсиш натижаларини адолатли йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратиши белгилаб қўйилган. Партия давлат томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Ва бу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий саъй-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қилади, деб белгилаб қўйилган. Бироқ «Адолат» СДП иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш бўйича муайян таклифлар билан чиқишни ўйлаб кўрмаяпти, шекилли...

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодиёт ривожланиши жараёнида иштирок этаётган фуқароларнинг сафи кенгайиши давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, тараққиётни тезлаштиради. Бироқ «адолат»чилар наздида, бунинг учун фақат давлат курашиши, аҳоли даромадини изчил кўпайтириш фақат унинг зиммасига тушиши керак. ЎзХДП ишга лаёқатли кишилар бюджет маблағларидан ҳимоя қилинишига қарши. Яъни, кишилар қобилияти ва қизиқиши асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, хусусий мулки орқасидан ўзи, оиласи учун даромад манбаини яратиши керак. Бундан жамият манфаатдор бўлади.

Бугунги сиёсий партия нафақат муайян ғояни илгари суриши, уни амалга ошириш дастурига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, у тўлақонли сиёсий партия бўла олмайди. Фақат қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолган партия ўз мақсадига эриша олмайди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

**Мамлакатни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг ҳозирги босқичи сиёсий партиялардан фаоллигини изчил ошириб боришни талаб этмоқда. Бу ўз навбатида, сиёсий партия, хусусан, депутатдан зиммасидаги вазифани чуқур англаган ҳолда ўз ишига масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, бугун ҳар бир сиёсий партия хайрихоҳлари манфаатини дадил ҳимоя қилиши, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиши, маҳаллий ижроия ҳокимияти устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатиши зарур.**

# ДЕПУТАТ ФАОЛ БЎЛСА,

## *ҳудудлар ривожига қаратилган ташаббуслар кўпаяди*

Хўш, ЎзХДП ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолияти қандай бўлаяпти? Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари иштироки нималарда кўринаяпти?

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши фаолларига шу каби саволлар билан мурожаат қилдик.

— Партиямиз Сайловолди дастурини бажариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлар имконияти ва ваколатларидан мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Шу боис биз депутатлар фаоллигини ошириш, сайловчилар билан самарали ишлаш тизимини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган бир қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, вилоят Кенгашининг август ойида бўлиб ўтган сессияси муҳокамасига партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан «Ангрен, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида муқобил ва қувват манбаларидан фойдаланиш ҳисобига аҳолининг иссиқ сув ва марказлаштирилган иситиш билан таъминланишини такомиллаштириш» бўйича масала киритилиб, қарор қабул қилинди. Бугун қарор ижроси таъминланмоқда. «Иссиқлик манбаи» корхоналарини капитал таъмирлаш учун 370 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 1850 метр иссиқлик тармоқлари мукаммал реконструкция қилинди. Бу эса кўпгина хонадонларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш имкониятини яратди. Ҳозир депутатларимиз «Иссиқлик манбаи» тузилмалари фаолиятини мониторинг қилиш ва улар устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш бўйича иш олиб бормоқда.

Шунингдек, вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ҳудудда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш масаласини сессия кун тартибига киритиш ташаббуси билан чиқди. Депутатлар томонидан кўча ва хиёбонлар, йўллар ҳамда сув ҳавзалари атрофини тозалаш ва ободонлаштириш бўйича таклиф тайёрланди.

Жорий йилда ҳам сессиялар кун тартибига электоратимиз манфаати билан боғлиқ қатор масалаларни киритишни режалаштираяпмиз. Хусусан, партиямиз Ҳаракат дастурига асосан Ангрен ва Бекобод шаҳарларида маҳаллий хомашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш даражасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганаяпмиз.

Яқинда Ангрен шаҳар партия кенгашида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудда олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда депутатлар ахбороти тингланди. Маълум бўлдики, ҳозирги кунда Ангрен аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 900 дан ортиқ корхона, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолият кўрсатаяпти. Шаҳарда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2012-2015 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Депутатлар мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни ҳам назорат қилаяпти. Шунингдек, шу йилнинг январь ойида Олмалиқ шаҳар Кенгаши сессиясида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масала кўриб чиқилди.

Бироқ партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳларининг ҳаммаси ҳам талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Масалан Бекобод, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳар Кенгашларида Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросига эътиборсиз қаралмоқда. Вилоят партия кенгаши уларнинг фаолиятини жонлантириш учун йил бошида чора-тадбир ишлаб чиқди. Тажрибадан маълумки, агар партиянинг барча ташкилотларида иш тўғри ва тизимли ташкил этилмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бунинг учун улар билан мунтазам ишлашимиз, маҳаллий Кенгашлар, депутатлар ва қуйи бўғинлар ҳамкорлигини изчил йўлга қўйишимиз керак.

— Партиямиз Сайловолди дастурида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини назорат қилиш, бу борада ёшларни иш билан таъминланишига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси белгилаб қўйилган, — дейди **ЎзХДП Чиноз туман кенгаши раиси Толиб Ўзгенов.** — Шу боис туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳларининг иш режасига мувофиқ, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида уч томонлама шартномаларнинг тўлиқ бажарилиши бўйича мониторинг олиб бордик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, айрим жойларда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича сохта ахборотлар берилган. Яқинда мутасадди ташкилотлардан берилган ҳисоботга асосан 7 нафар битирувчининг фаолиятини ўргандик. Бунда уларнинг бор-йўғи 2 нафари ишлаётгани аниқланди. Қолган 5 нафари эса ишсиз. Демак, жойларда ҳали-ҳамон бу масалага юзаки қараш ҳоллари учрамоқда. Энди ўйлаб кўрайлик. Ишга жойлашмаган кишини ишлаяпти, деб ёлғон маълумот бериш кимга керак? Бундан кимга фойда? Бу масалага эътиборсиз қараб бўлмайди.

Партиямиз Ҳаракат дастурига асосан, айни кунда балиқчилик, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурлар ижросини ўрганаяпмиз. Ушбу соҳаларда ишлаётган кишилар меҳнатини ҳимоя қилиш, меҳнат дафтарчаси билан тўлиқ таъминланиши юзасидан мониторинг олиб бораяпмиз. Шунингдек, мазкур йўналишда ўз ишини бошлаш ниятида юрган электорат вакилларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам имкон қадар ҳисса қўшаяпмиз.

Дарҳақиқат, депутатлик мақоми, аввало, фаол бўлишни, белни маҳкам боғлаб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилишни талаб этади. Партия кенгашлари депутат салоҳияти ва ваколатидан самарали фойдаланиши электорат манфаати ҳимоясига, ҳудудлар тараққиётига хизмат қилади, одамларнинг партияга ишончини оширади.

**Лазиза ШЕР қизи.**

Ҳуқуқий тарғибот

# ОДАМ САВДОСИ: УНИНГ ҚУРБОНИГА, ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Қашқадарё вилоятининг қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган ва шу манзилда ота-онаси билан тинчгина яшаб, ишлаб келаётган Муроднинг оромини Авазнинг чет элдаги яхши иш, ҳар ойда тўланадиган катта маош ҳақидаги ваъдалари ўғирлади. Қараса, яна тўртта тенгдоши Авазнинг изига тушяпти. Мурод ҳам ота-онасидан рухсат олиб уларга қўшилди. Чегарадош қўшни мамлакатга ноқонуний равишда ўтдилар. Аваз йигитларни «хўжайинларинг», деб топширган ўрта яшар киши уларни чўлни қоқ ўртасидаги кичкинагина ғишт заводига олиб бориб ташлади. Йигитларнинг вазифаси ғишт қуйиб, уларни пишириб, келган харидорларга ортиб беришдан иборат эди. Яшаш учун энг оддий шароитлар ҳам йўқ, баъзан икки-уч кунлаб иссиқ овқатсиз қолиб кетишарди. Йигитлардан бири йиқилиб тушиб, оёғи жароҳатланганда, оддий шўрпахта босиб, тузатдилар. Келганларига уч ойдан ошдики, ваъда қилинган иш ҳақидан дарак йўқ эди.

Хўжайиннинг муомаласидан уларга ҳеч қандай ҳақ берилмаслиги, уқубатларнинг охири кўринмаслиги маълум бўлиб қолди. Ғишт олишга келган харидорлардан бирининг уларнинг оғир аҳволига раҳми келдими, мамлакат миграция хизмати телефон рақамларини аниқлаб келиб, мобил телефонини ҳам бериб турди. Қўнғироқдан кейин миграция хизмати ходимлари улар яшаб, ишлаётган манзилга келиб, йигитларни битта машинага ўтқазиб, чегарагача кузатиб қўйишди. Бор гап шу.

— Тошкентдаги одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказида бироз ўзимга келдим, — дейди Мурод. — Бу ердаги шифокорлар парвариши, психолог ёрдами мени яна ҳаётга қайтарди. Қишлоғимдаги ота-онам бағридаги тинч, осуда ҳаётнинг қадрини энди англаяпман. Ўша ғиштни ўзимнинг қишлоғимда ҳам қуйсам бўларди-ку?! Одамлар уй-жой қуришяпти, талаб катта эди-ку, деб ўйлаяпман. Қайтишим билан Авазни излаб топаман, бизни сотгани ҳақида ариза билан тегишли идораларга мурожаат қиламан...

Афсуски, бу каби қисматлар оз эмас. Бутун дунёда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бир тури деб тан олинган одам савдоси мамлакатимизда ҳам долзарб муаммолардан бирига айланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, турли фуқаролик институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар биргаликда қарши курашаётганига қарамай, бу жиноятга чек қўйилмаётгани сабаби нима?

Аввало, одам савдоси қурбони чеккан азиятлардан хабардор бўлса-да, кўпчиликнинг онгида «бу мен билан юз бермайди», деган ақида ҳали ҳам мавжуд. Шунингдек, одам савдоси жабрланувчилари чегарадан ноқонуний ўтиш ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишадики, бу ҳолат уларни жиноятчилар устидан арз қилишдан тийиб туради. Бу эса одам савдоси билан шуғулланганларнинг жинояти жазосиз қолишига ва уларнинг ноқонуний фаолиятини давом эттиришига йўл очиб беради.

Муаммонинг ечими қаерда? Маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг бир неча лойиҳалари бўйича иш олиб бораётган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётган «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилотининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовор. Бугунги кунда бу ННТ тармоғи вилоятларда ҳам мавжуд.

— Одам савдоси ҳолатларини камайтириш учун аввало, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришимиз зарур, — дейди лойиҳа раҳбари Шоҳида Қосимова. — Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди кўмагида, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, пойтахтнинг Чилонзор ва Сергели туманлари хотин-қизлар кенгашлари ва ўрта умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳа доирасида бир қанча учрашув ва семинарлар ўтказдик. Бу тадбирларда ёшларнинг ҳуқуқий савиясини юксалтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, фуқаролик бурч ва вазифалари тушунчаларини шакллантириш мавзуларига эътибор қаратилди. Ана шу тамойилларни ўзида мужассам этган кишида, албатта, одам савдоси қурбонига айланиш хавфи камаяди.

Жиззах вилояти «Истиқболли авлод» ННТ директори Назифа Камолова эса одам савдоси жабрланувчиларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни мутасадди ташкилотларга йўналтиришни ташкиллаштириш ва одам савдосига қарши курашиш фаолиятини жадаллаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самаралар бераётганини таъкидлайди.

— Одам савдоси қурбонларига келгусидаги ҳаётини йўлга қўйишда керакли ҳуқуқий ёрдам бериш билан бирга, унинг нима учун шу аҳволга тушгани сабабларини ҳам чуқур ўрганамиз. Лозим бўлган тақдирда маҳаллий ижро ҳокимиятлари, маҳалла кўмагида уни ишга жойлаштириш чораларини кўрамиз. Тегишли идораларга унинг аризасини етказиш ва бу борада олиб борилаётган ишларда ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз, — дейди у.

— Ташкилотимиз одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам бериш билан бир қаторда бу глобал муаммонинг олдини олиш чораларини ҳам кўрмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги»ги Қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун моҳияти ва унинг ижроси, маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашишга масъул бўлган давлат органларига кўмаклашиши бўйича зарур билим ва ахборотларни ҳам етказамиз, — дейди «Истиқболли авлод» ННТ раиси Нодира Каримова. — Зеро, муаммонинг ечимини излагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Шу ўринда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

**«Истиқболли авлод» ННТ ва республика Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда OSCE, UNODS, Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Марказий Осиёда одам савдосига қарши курашиш бўйича лойиҳалари доирасида олиб борилган ҳудудий фаолият тақдимоти бўлиб ўтди, одам савдоси муаммосининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миллий матбуот марказида

**Давлат мулки қўмитаси «Хусусийлаштириш жараёнида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш, хусусийлаштиришнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш ҳамда инвесторларга ишончли кафолатлар яратиш» мавзуида матбуот анжумани ўтказди. Унда қўмитанинг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ РИВОЖИ

*иш ўринлари кўпайишига хизмат қилади*

Тадбирда қўмита раисининг биринчи ўринбосари Сайфитдин Ғафуров Президентнинг «2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилингани, унга кўра нефтгаз, энергетика, металлургия, қишлоқ хўжалиги, енгилсаноат, электротехника ҳамда фармацевтика саноатига тегишли 497 та давлат активлари, шунингдек, 63 та бўш ва нотугал объект танлов асосида инвестиция мажбурияти эвазига «ноль» қийматда сотилиши белгиланганлиги ҳақида маълумот берди.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида кўп иш қилинди. Қўмита 109,2 миллион АҚШ доллари ва 71,7 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 62 та олди-сотди шартномасини расмийлаштирди.

Айни пайтда қўмита чет эллик инвесторлар билан тузилган 133 та шартнома бўйича ҳамкорликда ишламоқда. Унга кўра, инвесторлар 299 миллион АҚШ доллари ва 82,6 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиши кўзда тутилган.

Кейинги беш йиллик маълумотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга хорижий сармоя жалб қилиш борасида Буюк Британия билан туркиялик инвесторлар кенг доирада ҳамкорлик қилган. Таъкидлаш ўринлики, давлат мулки объектларига инвестиция киритиш билан боғлиқ АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Гонгконг, Хитой, Испания, Виргин ороллари, Гибралтар, Қозоғистон, Австрия, Литва, БАА, Эрон, Арманистон, Вьетнам ва кипрлик инвесторлар билан 50 дан зиёд шартнома имзоланган.

Матбуот анжумани якунида, «Биржа» газетаси қўмита ва унинг бозор инфратузилма ташкилотлари ходимлари ўртасида эълон қилган «Қўмита фаолияти ҳақида энг яхши мақола» танлови ғолиблари тақдирланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# «ТРАСТБАНК»: САРМОЯЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА, ФАРОВОНЛИК ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси ўзининг изчил ва барқарор фаолияти билан қисқа давр ичида мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланган.**

Эътиборлиси, банк иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сармоявий лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Чунончи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида молиявий муассаса томонидан соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ва лизинг хизматлари ҳажми 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсиб, 82,8 миллиард сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида ушбу соҳа учун 33,1 миллиард сўм миқдорида кредит ҳамда лизинг хизмати амалга оширилди. Бу 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта ўсиш демакдир. Молиявий кўмак ҳисобига 170 та янги иш ўрни яратилди.

Банк билан тадбиркорлар ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва яқин ҳамкорлик ҳар икки томон учун бирдек манфаат келтирмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён тадбиркор аёлларга 4,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Турган гапки, бу ишбилармон хотин-қизларга алоҳида куч бағишлаб, уларни янги марраларга руҳлантирмоқда.

— Фаолиятимизнинг илк давридан «Трастбанк» билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди Зангиота туманидаги «Фарро-Фарно текс» масъулияти чекланган жамият раҳбари Сожида Носирова. — Ўсмирлар ва катталар учун пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда 15 нафар хотин-қиз ишлайди. Банкнинг ўз вақтидаги 100 миллион сўм миқдордаги молиявий мадади эвазига хомашё сотиб олиб, маҳсулотларимиз ҳажмини кенгайтиришга эришдик. Эндиликда ишлаб чиқаришни модернизациялашни, маҳсулотлар турини кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Албатта, бунда банкнинг кўмагига ишонамиз. Корхонамизни ривожлантириш, энг замонавий дастгоҳлар ўрнатиш учун банкка яна мурожаат қилганмиз. Масаламиз тезда ҳал бўлишига ишончимиз комил.

— Ишимиздан ҳам, банкимиздан ҳам кўнглимиз тўқ, — дейди «Трастбанк»нинг Наманган филиали мижози, «Зулфиябегим медсервис» хусусий корхонаси директори Нигора Бойматова. — Имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан банкнинг 170 миллион сўм миқдордаги лизинг хизмати эвазига ультра товушли диагностика сканерини тўлиқ ҳолда харид қилиб олдик. Муродимиз ҳосил бўлиб, аҳолига янада сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқдамиз. Жамоамизда ишлаётган 12 нафар ходим орасида тиббиёт коллежини битирган ёш ҳамшира қизларимиз ҳам бор. Банкнинг молиявий кўмагидан миннатдормиз.

«Трастбанк» жамоаси «Мустаҳкам оила йили» давлат Дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мавжуд кредит турларини такомиллаштириш ва янги шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу ўринда банк мутахассислари мижозларнинг истак ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларга кредитларни танлашда яқиндан ёрдам бераётганларини таъкидлаб ўтиш лозим. Кредитларни расмийлаштириш чоғида қулай бўлган ҳужжатлар талаб этилиб, аризаларнинг қисқа муддатда кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Маълумки, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбааларини шакллантириш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш муҳим масалалардан биридир. Бу борада «Трастбанк» томонидан ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Чунончи «Ёш оилаларга — истеъмол кредитлари» дастурига мувофиқ уларга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида 3 йил муддатга ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини харид этишлари учун кредитлар ажратилмоқда.



Банк фаолиятининг стратегик йўналишларидан бири сифатида белгиланган чакана бизнес хизматлари ҳам эътиборга молик. Бу борада молиявий муассаса таркибидаги мини-банкларни жисмоний шахсларга намунали хизмат кўрсатаётган универсал марказлар дейиш мумкин. Бу масканларда мижозлар миллий ва хорижий валютада турли омонатларга маблағ қўйишлари, коммунал ва бошқа хизматларга тўловларни накд ёки пластик карточкалар орқали амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, улар пул жўнатмалари тизими бўйича пул юбориш ёки олиш имкониятига эга. Банк томонидан пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тизими ҳам яхши йўлга қўйилган.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш борасида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банк томонидан 50 мингта пластик карточка муомалага чиқарилган. Жойларда 1100 та савдо терминаллари ўрнатилган.

Ҳар қандай банкнинг самарали фаолият юритишида асосий мезон бу аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ҳисобланади. Бу борада ҳам банк жамоаси эришаётган ютуқлар диққатга сазовор. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, жисмоний шахслар томонидан «Трастбанк»га қўйилган жамғармалар ҳажми салкам 30 миллиард сўмга етган.

Кўриниб турибдики, банк жамоаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу эса банк салоҳиятининг мустаҳкамланиб боришига ҳам замин яратаяпти.

Дарвоқе, мазкур молия муассасасининг ютуқлари халқаро миқёсида ҳам эътироф этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, жорий йил февралида «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Трастбанк» фаолияти рейтинг баҳоси «В»- даражада баҳоланиб, унинг истиқболи «барқарор» деб яна бир карра тасдиқланди. Бу банкнинг халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришига янги имкониятлар эшигини очади.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Спорт




Суратда: Равиля Фарҳутдинова (Ўзбекистон).

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ

## МАЛИКАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бу каби хайрли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мисол учун, 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастикачиларимиз яккалик ва жамоавий баҳсларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, иккита кумуш медалга сазовор бўлди. Истеъдодли спортчимиз Ульяна Трофимова ўтган йилнинг кузида Париж (Франция)да ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли ўн беш спортчиси қаторидан жой олиб, Лондон олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Happy Caravan — 2012» анъанавий халқаро турнири умидли гимнастикачиларимиз учун ўзига хос маҳорат ва тажриба мактаби вазифасини ўтаб бермоқда. Бу йилги баҳсларда Ўзбекистон, Азербайжан, Белоруссия, Эстония, Исроил, Россия, Қозоғистон, Индонезия, Қирғизистон, Словения, Малайзия каби давлатлардан келган ўттиз нафар қиз шахсий ва жамоавий баҳсларда ўз омадларини синаб кўришмоқда. Унда Валерия Давидова, Равиля Фарҳутдинова, Зулфия Йўлдошева, Нилуфар Шомуродова, Анастасия Сердюкова ҳамда Камилла Саидхонова сингари ёш гимнастикачиларимиз ғолиблик учун кураш олиб боришяпти.

— Юртингизга аввал ҳам бир неча маротаба келганман, — дейди **Белоруссия терма жамоаси бош мураббийи Ирина Липовская.** — Ҳар сафар ташриф буюрганимда бу ерда амалга оширилаётган янги-янги бунёдкорлик, катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Тошкентнинг чиройи ва гўзаллигига ортиқча таърифнинг ҳожати йўқ. Айниқса, бу ердаги замонавий спорт иншоотлари, спортчиларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳавасим келади.

Ўзбекистон бадиий гимнастикачиларининг халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабалари эса бу спорт турини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самараси,деб ўйлайман. Юртингиз ва халқингиз қалбимга жуда яқин бўлиб қолган. Шу боис, Парижда ўтган жаҳон чемпионатида иқтидорли гимнастикачингиз Ульяна Трофимова Лондон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритганида уни биринчилардан бўлиб табрикладим. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон бадиий гимнастикасининг келажаги порлоқ.

**Жаҳон кубоги босқичи баҳсларида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган йигирма саккиз нафар нафосат маликаси майдонга тушмоқда. Улар орасида мутахассислар ҳамюртларимиз Осиё чемпиони Азиза Мамажонова, кўплаб йирик халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари Мая Филиппова, Замиражон Саноқулова, Жамила Раҳматоваларга ишонч билдиришган.**

— Бундай нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилишнинг ўзига яраша масъулияти бор, албатта, — дейди **Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Татьяна Абдураманова.** — Унда жамоамиз энг сара ва истеъдодли спортчилар билан иштирок этмоқда. Мусобақаларга аниқ режалар асосида жиддий ва пухта ҳозирлик кўрдик. Бир пайтлар бу каби йирик турнирларда қатнашиш чоғида қизларимизда катта ҳаяжон бўларди. Ҳукуматимиз ғамхўрлиги ва Ўзбекистон гимнастика федерациясининг саъй-ҳаракатлари билан юртимизда спортнинг ушбу нафис турини ривожлантириш борасида жаҳон андозаларига мос келадиган қулайликлар яратилди. Гимнастикачиларимиз барча талабларга жавоб берадиган шароитларда машғулотлар ўтказишмоқда. Нуфузли халқаро турнирларда кучлилар қаторида номлари эътироф этиляпти.

Юртимизда ўтаётган бу нуфузли мусобақаларда қизларимиз мутахассис ва мухлислар ишончини оқлаш учун бор маҳоратларини ишга солишларига ишонамиз.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, У.Розуқулов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

## Китоб жавонингизга

**Жаҳон адабиётида энг улуғ ва мўътабар зот бўлган оналарга бағишланган, севиб ўқиладиган шеъру достонлар кўп. Лекин таниқли авар шоири Расул Ҳамзатов (1923-2003)нинг «Оналарни асранг» достони билан бўйлашадиган асарлар кам.**

# ОНАЛАРНИ АСРАНГ!




Шоир дунёга машҳур бу достонини қачон ёзишни бошлаган? Отаси Ҳамзат Цадаса (1877-1951) вафот этгандами, ё онаси Хандулай момо (1888-1965) дунёдан кўз юмгандами, ё шеър ёзиш учун қўлига қалам олган кунданми? Шу нарса аниқ: достонга 1976 йилда нуқта қўйилган. Уни тажрибали таржимон Юлия Нейман меҳр-маҳорат билан рус тилига ўгирди ва 1978 йилда китоб ҳолида нашр қилинди.

Мен бу китобни қўлга олган 1979 йилдан бери уни ўзбек оналарига туҳфа этиш фикри билан яшадим. Шукурки, орзуим ушалди. «Оналарни асранг» достони менинг таржимамда «Янги нашр» нашриётида чоп этилди.

Аввало, китобнинг муқоваси ҳақида. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган Расур Ҳамзатов оналар ҳурмати учун бунёд этилган ёдгорликларни зиёрат қилган ва китоб муқовасига чиқарилган қуйидаги тўртликни битган:

*Ҳайкалларга боқдим ҳайратда,*
*Улар бари ўхшайди сизга.*
*— Бу она, сиз, бу сиз, албатта,*
*Шунинг учун яқиндир кўзга.*

Расул Ҳамзатов «Турналар» шеърига Чирчиқ шаҳримизда ёдгорлик ўрнатилганини барчага фахр билан сўзлаб юрарди. Агар шоирга умр вафо этиб, Тошкентимизга ташриф буюрганида, Хотира майдонини албатта зиёрат қиларди ва «Бу ҳайкал онамга жуда-жуда ўхшар экан» деган бўларди. Чунки у «Мотамсаро она» тимсолида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган икки ўғлини кутаётган ўз онасини кўрарди.

Муқовадаги ҳайкал сурати ортида дунёдаги энг баланд чўққи — оқ рўмол ўраган Жомолунгма бироз пастроқ берилган. Бу бежиз эмас, шоир таъкидлаганидай:

*Чўққилар кўп дунёда, бироқ*
*Чўққи йўқдир онадан баланд.*

Онаси дунёдан кўз юмганда Расул оға Хиросимада Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига бағишланган халқаро маросимда иштирок этаётганди. Шоирга онаси вафот этгани тўғрисидаги хабарни етказишади. Кейинроқ Расул Ҳамзатов достонни ёзаётган пайтида ўша оғир лаҳзаларни алам билан қаламга олади.

*Шу қўшиқни ёзган вақтда онажон,*
*Мени этмаганди етимлик гирён.*
*Ҳали кўрмагандим, гувоҳдир осмон,*
*Оқ турналар ичра сизни, онажон!*

Шу боис муқовада турналар сурати ҳам акс этиши керак деган хулосага келдик.

*Ҳаётда онаси борлар бахтиёр!*
*Тириксиз, бахтингиз қадрлаб яшанг.*

Оддий ва самимий ушбу мисралар достоннинг қалби, уриб турган юраги дейишимиз мумкин. Дарҳақиқат, достондаги воқеалар қайси даврда, қаерда содир бўлмасин, сўзлар-ташбеҳлар қандай жаранглламасин оналарни асранг деган эзгу меҳварда туташади.

Шоир онасининг алласини эсга оладими:

*Суюб дедим, берганда ҳаёт,*
*Буюк ишга бўлсин керагинг.*
*Буюк ишга бўлгин деб қанот,*
*Бургутлардан олдим юрагинг.*

Беғубор болалик даврини хотирлайдими:

*Ҳар тонг уйғотарди онам эркалаб,*
*Нонушта қилардик оиламиз жам.*

Сафарга отланган чоғини эслайдими:

*Сени ҳам йўлларга чорлайди орзу,*
*Қайга борма, сенга омад кулса бас.*
*Унутма, онага нодир совға шу:*
*Ўғли соғ-саломат, бахтли бўлса бас!*

Оналарга ҳурматини бажо қиладими:

*Тоғлик оналарни билмайди жаҳон,*
*Ҳар куни жасорат кўрсатишса ҳам.*

Фарзандларни оналарга сўз айтишда эҳтиёт бўлишга ундайдими:

*Сира оналарга ёмон сўз айтманг,*
*Бўлиб кетсангиз ҳам жуда тошбағир.*
*Чунки оналарга ўзгалардан ҳам,*
*Фарзандининг сўзи ботади оғир.*
*Ҳамма нарса бўлса она қўлида,*
*Дунёда бўлмасди сира ёмонлик.*
*Ҳозир кезар эдик юлдуз йўлида,*
*Тантана қиларди тинчлик, омонлик.*

**Асрор МЎМИН,**
**шоир ва таржимон.**

## Тадбир

# ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**XXI аср халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимида туб бурилиш ясади. Умумжаҳон глобаллашув, минтақавий интеграциялашув жараёнлари туфайли жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.**

Шу билан бирга, экстремизм, терроризм, наркотрафик каби трансмиллий таҳдидлар халқаро хавфсизлик тизимига таҳдид солмоқда. Минтақамизда ҳам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш замонавий халқаро ҳуқуқнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқий муносабатларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Бу йил ўзининг 20 йиллигини нишонлайдиган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нафақат халқаро майдонда фаолият кўрсата оладиган етук мутахассисларни тайёрловчи масканга айланди, балки халқаро иқтисод, сиёсат ва халқаро ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борувчи, долзарб муаммоларни муҳокама қила оладиган илмий марказлардан бири ҳисобланади.

Куни кеча ўтказилган «Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман мана шу долзарб масалага бағишланди.

Анжуман иштирокчилари минтақавий энергетик хавфсизликни таъминлаш, трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш, трансчегаравий жиноятчиликка қарши кураш, экологик хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ҳамкорлик, ахборот хавфсизлиги каби масалаларнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини муҳокама қилишди.

**Равшан ШОДИЕВ**

## Реклама ва эълонлар

**ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига қарашли 9221-сонли ҳарбий қисм**

**2012 йил дастури асосида қуйидаги объектнинг қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади**

***Лот 1-3. Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги 9221-сонли ҳарбий қисмга қарашли ПОГП-11 объектларини мукаммал таъмирлаш (II-босқич).***

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 371,922 млн.сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 309,935 млн. сўм, қурилиш муддати — 3,5 ой.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига қарашли 9221-сонли ҳарбий қисм.

**Манзили:** Термиз шаҳри, Дарё порти. Тел. (8-376) 226-06-65.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:** мудофаа объектларини қуриш ва таъмирлаш бўйича махсус лицензияга эга бўлишлари, танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.**

Таклифлар (офертала)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.**

**XALQ BANKI**

# Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки (бундан кейин «банк»)

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2012 йил 8 майда (2012 йил 8 майдаги №18/1 сонли мажлис баёни) банк Бошқарувининг Фарғона шаҳар филиалини ёпиш тўғрисидаги 2011 йил 31 декбардаги 91/1-қарори маъқулланганлигини маълум қилади.*

2012 йил 10 майдан бошлаб мижозларга — жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш банкнинг вилоят филиали Амалиёт бўлими ва Қиргули филиали томонидан амалга оширилмоқда.

Филиалда очилган барча ҳисоб-рақамлар банкнинг вилоят филиали Амалиёт бўлимига ва Қиргули филиалига ўтказилишига, ҳисоб-рақамлар реквизитлари ўзгартирилишига эътиборингизни қаратамиз.

Шунингдек, филиал ёпилгандан сўнг, банк номидан барча мижозлар, контрагентлар билан тузилган шартномалар бўйича барча мажбуриятлар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ банкнинг вилоят филиали Амалиёт бўлими ва Қиргули филиали томонидан бажарилади.

**Барча масалалар бўйича банкнинг Фарғона вилоят филиалига (873) 224-57-59 телефон рақами орқали мурожаат этилсин.**

## ОБ-ҲАВО 19-20 – 05. 2012

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +13 / +18 | +25 / +30 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +13 / +18 | +25 / +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +13 / +18 | +23/+28 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +13 / +18 | +25 / +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +13 / +18 | +22 / +27 |
| Тошкент шаҳри | +13 / +15 | +25 / +27 |

**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +10 / +11 |
| Париж | +12 / +13 |
| Москва | +13 / +13 |
| Мадрид | +12 / +9 |
| Пекин | +18 / +16 |
| Гонгконг | +25/ +26 |
| Рим | +10 / +11 |
| Афина | +14 / +16 |
| Токио | +15 / +18 |
| Стокгольм | +6 / +9 |
| Кейптаун | +11 / +10 |
| Қоҳира | +26 / +28 |
| Гавана | +24 / +25 |
| Вашингтон | +15 / +17 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
17356 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.40
Topshirilgan vaqti — 01.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5